



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 16 июль, № 151 (8213)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ЎРТАСИДАГИ ДЎСТЛИК RIШТАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА МУҲИМ БОСҚИЧ



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов 14-15 июль кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.

Тошкентда ўтган музокараларда Шавкат Мирзиёев ва Сердар Бердимухамедов Қўшма баёнот имзолادилар. Унда эришил-

ган асосий келишувлар мустаҳкамлаб кўйилган ҳамда икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ўзаро манфаатли ҳамкорлик

ва стратегик шерикликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича узоқ муддатли вазифалар белгиланган.

Шунингдек, давлат раҳбарлари ҳузурида икки мамлакат вазирлик ва идоралари раҳбарлари томонидан битимлар имзоланди. Жами 19 та ҳужжатга имзо чекилди.

Ишонамизки, самимий ва дўстона мулоқотлар, Ўзбекистон — Туркменистон ўртасида имзоланган, ҳамкорликнинг қатор истиқболли йўналишларини қамраб олган ҳужжатлар амалий шерикликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Умуман, Сердар Бердимухамедовнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи кун тартибининг кенглиги ва эришилган келишувларнинг аҳамиятига кўра икки томонлама муносабатларда янги саҳифа очган муҳим воқеа бўлди.

Ташрифнинг иккинчи кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоевнинг давлат ташрифи билан мамлакатимизга келган Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов билан учрашуви бўлиб ўтди.

Сўхбат чоғида парламентларо мулоқот мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик ва стратегик шерикликни мустаҳкамлашнинг муҳим қисмига айлангани таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Туркменистон Миллий Кенгаши ҳузурида ташкил этилган парламентларо дўстлик гуруҳларининг фаолияти алоҳида қайд этилди.

Шундан сўнг Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.

Самарқанд халқаро аэропортида уни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг Самарқандга ташрифи Ислом Каримов мақбараси зиёратидан бошланди. У давлатимиз раҳбари билан биргаликда мажмуага бориб, Биринчи Президентимиз қабрига гул қўйди. Қуръон оятлари ўқилиб, дуо қилинди.

Бу халқимизга бўлган ҳурмат, қардошларга хос оқибат ифодаси бўлди.

Туркменистонлик меҳмонлар Мирзо Улуғбек музей-мажмуасини бориб кўрди.

Ушбу мажмуа буюк олим қўрғини раҳбарликда ташкил этилган. Музей икки зал ва олти бўлимдан иборат. Ундан Мирзо Улуғбек даврига оид юздан зиёд ашёлар, китоблар, қўлёзмалар, асл нусхадаги квадрант асбоби ўрин олган.

Буюк бобомизнинг нодир расадхонаси, юксак илму заковати меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон ва Туркменистон Президентлари Амир Темур мақбарасини ҳам зиёрат қилди. Бобокалонимиз руҳига Қуръон тиловат қилинди.

Меҳмонларга буюк Соҳибқироннинг ҳаёти, саркардалик маҳорати, улкан давлати ҳақида сўзлаб берилди. Маълумки, Амир Темур ўзи идора қилган ўлкаларда илм, маданият, савдо ва хунармандчиликни ривожлантирган, мустаҳкам обидалар қўрғинларини қўрғин қилган. Хусусан, ҳозирги Марказий Осиё давлатларида Соҳибқирон бобомизнинг мероси алоҳида қадрланади.

Давлат раҳбарлари Регистон мажмуасига ташриф буюрди.

Мажмуадаги уч муҳташам обида — Мирзо Улуғбек, Шердор ва Тиллақори мадрасаларининг тарихи ҳақида сўзлаб берилди. Халқимизнинг меъморчилик анъаналари, мадрасалардаги нақшлар ва улардаги маънолар меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

Шавкат Мирзиёев ва Сердар Бердимухамедов шу ерда эсдалик учун сурагга тушди.

Шу билан Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи аяқланди.

ЎЗА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сурати.

ПРЕЗИДЕНТ САМАРҚАНДАГИ БУЊЁДКОРЛИК ИШЛАРИНИ КЎЗДАН КЕЧИРДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 15 июль кунини Имом Бухорий қабрини зиёрат қилди. Қуръон тиловат қилиниб, дуо ўқилди.

Маълумки, бу улғ бобомиз мақбараси ислом олами учун табаррук зиёратгоҳлардан бири. Бугунги кунда мажмуа шунга муносиб қилиб қайта қурилмоқда. Қарийб 10 минг намозхонга мўлжалланган масжид, тўртта минора, айвонлар барпо этилмоқда. Мажмуа ёнида меҳмонхоналар, автотурагоҳ, автобекат, ошхоналар, савдо расталари, таҳоратхоналар қурилади.

Давлатимиз раҳбари шу борадаги ишларни кўздан кечирди, зиёратчиларга барча қулайликларни яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

— Иншооллох, бу мажмуа очилгандан кейин зиёратчилар янада кўпаяди. Айниқса, нурунийлар кўп келади. Улар учун барча қулайликларни инobatга олиш керак. Бу жой нафақат диний ва маърифий, балки улкан маданий марказ ҳам бўлиши зарур. Шу боис энг яхши гулчиларни олиб келиб, мажмуани кишин-ёзин гулзор қилиб қўйиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Буткул янги кийим кийиб катта таътир билан мажмуа зиёрат туризмнинг йирик марказларидан бирига айланиши учун барча имкониятлар мавжудлиги, улардан

самарали фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Президентимиз Самарқанд туманида барпо этилаётган Туризм марказини ҳам бориб кўрди.

Бу ерда 8 та меҳмонхона, конгресс-холл, «Абадий шаҳар» карбонсаройи қурилмоқда. Эшак эшиш канали тартибга келтирилиб, атрофда боғ яратилмоқда.

Умуман, ушбу мажмуа туризм соҳасидаги барча халқаро стандартларга мослиги, энг замонавий хизмат кўрсатиш салоҳияти билан нафақат Самарқанд вилояти ва мамлакатимиз, балки бутун минтақада туризм индустриясини янги босқичга кўтаради.

Давлатимиз раҳбари бу ерда йирик халқаро анжуманлар ўтказиш учун замонавий шароитлар яратиш, халқимизнинг маданияти, маърифати, миллий таомларини намойён этиш бўйича тавсиялар берди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Самарқандга ташрифи аяқланди.

ЎЗА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИ КЕНГАШЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

2022 йил 15 июль кунини Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Қўшма мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг Қорақалпоғистон Республикасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласига доир муножотлари кўриб чиқилди.

ЎЗА.

Дунё нигоҳи

ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ КЎП АСРЛИК ҚАРДОШЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИДА ЯНГИ ДАВРНИ БОШЛАБ БЕРДИ

Хорижий экспертлар ҳамжамияти вакиллари Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг 14-15 июль кунлари Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифи, унинг доирасидаги тадбирлар, жумладан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан ўтказилган музокаралар натижаларини эътироф этмоқда.



Максим ВИЛИСОВ, Россия Фанлар академиясининг Ижтимоий фанлар бўйича илмий ахборот институти Фанларо тадқиқотлар маркази етакчи илмий ходими:

— Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов Ўзбекистон

Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Тошкентда давлат ташрифи билан бўлди. Бу Туркменистоннинг 2022 йил март ойида сайланган янги Президентининг хорижга учинчи сафаридир.

Ўзбекистонга ташриф икки давлат учун яхши қўшничилик муносабатлари

аҳамиятини ва глобал инқирознинг ҳозирги шароитида янада фаол ҳамкорлик қилиш заруратини кўрсатмоқда.

Икки кунлик ташрифнинг кун тартиби жуда салмоқли бўлди: у жаҳон бозорларидаги (энергия, озиқ-овқат, бошқа товарлар) мураккаб ҳолат, мавжуд транспорт-логистика заنجирларининг узилиши, анъанавий ўзаро инвестициялар киритиш ва ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар, сувдан тежамкор фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорлик ва бошқа долзарб масалаларни қамраб олган.

Айниқса, минтақада хавфсизликни таъминлаш масалалари алоҳида мавзу ҳисобланади. Давлат раҳбарлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг кўплаб йўналишлари бўйича ўз по-

зициялари юзасидан фикр алмашиш имкониятига эга бўлдилар. Чунки экспертлар куз фаслида инфляциянинг ўсиши, айниқса, энергетика ресурслари, озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларидаги узилишлар оқибатида ижтимоий муаммоларнинг кучайиши кўринишидаги инқирознинг янги тўлқини келиб чиқиши мумкинлигини башорат қилмоқда.

Бугун позицияларни ўзаро мувофиқлаштириб олиш давлат етакчиларига бошқа хорижий ҳамкорлар билан музокараларга, жумладан, келаси хафтада Бишкекда бўлиб ўтадиган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувида пухта тайёргарлик кўриш имконини берди.

ЎЗА.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ МИНТАҚА ХАВФСИЗЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЭНГ ЯХШИ НАМУНАСИ ВА МОДЕЛЛАРИДАН БИРИДИР



Халқаро солиқлар ва инвестициялар маркази (ITC) президенти Даниэль Витт БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш бўйича махсус резолюция ҳақидаги фикрларини билдирди.

Эътироф

— Резолюция БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан 2021 йил июль ойида Тошкентда ўтказилган «Марказий ва Жанубий Осиё: минта-

қавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар» мавзусидаги халқаро конференциядан роппа-роса бир йил ўтиб қабул қилинди. Мен ушбу халқаро анжуманда қатнашим шарафига

муяссар бўлган эдим. БМТ резолюцияси ўзаро боғлиқлик БМТнинг 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишнинг ягона йўли эканини кўрсатмоқда.

Хавфсизлик ва ўзаро боғлиқлик инвестицияларни рағбатлантиради. Сўнги йилларда биз кузатаётган Президент Шавкат Мирзиёев раҳномлигида Ўзбекистоннинг иқтисодий трансформацияси минтақа хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлашнинг энг яхши намунаси ва моделларидан биридир.

Сўнги 25 йил ичида Ғарбий Африка ва Жанубий Шарқий Осиёда минтақавий иқтисодий институтларни

шақллантириш учун мамлакатлар қандай бирлашиши мумкинлигига гувоҳ бўлдик. Савдо ва инвестицияларнинг ушбу модели Марказий ва Жанубий Осиёда такрорланиши мумкин. АҚШ, Европа Иттифоқи, Хиндистон, Хитой ва Россия барқарорлик ва инвестициялар оқимини таъминлаш йўлида қўлларни бирлаштирганлини кўришимизга умид қиламан.

ЎЗА.

ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ КЎП АСРЛИК ҚАРДОШЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИДА ЯНГИ ДАВРНИ БОШЛАБ БЕРДИ

Чжан ХОНПИН, Хитойнинг "Шинжон Осие" — Европа халқаро савдо маркази компанияси раиси:

— Аввало, Сердар Бердимухамедов Туркменистон Президентини эътибор билан сўзлашди, Ўзбекистонга Марказий Осие давлатлари орасида биринчи бўлиб ташриф буюрганига эътибор қаратмоқчиман. Бу Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги яқин алоқалар, шунингдек, Ашхобод Тошкент билан ҳамкорликка қаратаётган алоҳида эътибордан далолат беради.



Транспорт-транзит соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги, Амударё сув ресурсларини бошқариш, муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги битимлар ҳамда 2022 — 2025 йилларга мўлжалланган савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва саноат кооперациясини ривожлантириш дастури муҳим ва истиқболли ҳужжатлар сирасига кирди.

Таъкидлаш жоизки, давлат раҳбарлари ўзаро муносабатлари кенгайтириш ва чуқурлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш билан бир қаторда, минтақавий хавфсизлик ва тараққиёт масалаларига ҳам катта эътибор қаратди. Афғонистондаги вазият ва бу давлатни тиклаш учун биргаликдаги саъй-ҳаракатлар зарурлиги юзасидан фикр алмашилди.

Марказий Осие давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари платформаси алоҳида аҳамият касб этиши қайд этилди. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Марказий ва Жанубий Осиенинг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш бўйича махсус резолюциядан келиб чиқиб, Ўзбекистон Президентини Туркменистон томонига ушбу резолюцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда фаол қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик билдирди.

Марказий Осие давлатлари раҳбарлари билан кўп томонлама ҳамкорлик чуқурлаштириш минтақадagi барча мамлакатлар тараққиёти ва фаровонлигига хизмат қилади.

Урс ШВАРЦ, Сингапурнинг "S.E.A. Business Centre Pte. Ltd." компанияси директори:

— Таъкидлаш жоизки, Туркменистоннинг янги Президенти Сердар Бердимухамедовнинг ташрифи доирасидаги музокараларнинг асосий мавзуси икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари бўлди.



Сўнги бир неча йил ичида Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 5 баробар, яъни қарийб 1 миллиард долларгача ўсди, шунингдек, келгуси беш йил ичида уни яна икки баробарга ошириш режалари тасдиқланди. Бу нафақат икки давлатнинг иқтисодий алоқаларини фаоллаштиради, балки халқаро бизнес учун ҳам янги имкониятлар эшигини очади.

Шу нуктага назардан, ишлаб чиқариш кооперацияси лойиҳаларини амалга татбиқ этиш, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, чегара савдо зонасини ташкил этишни назарда тутувчи Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва саноат кооперациясини ривожлантириш дастури барча соҳалар ривожига самарали хизмат қилишига ишончим комил. Бу шунингдек, Марказий Осие минтақасидаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ташриф натижасида эришилган кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича асосий келишувлар ҳамда узоқ муддатли вазифалар ўзбек ва туркман халқлари фаровонлиги йўлида тўлиқ амалга оширилишига ишонаман.

Лю ЮЙ, Ўзбекистондаги Хитой корхоналари уюшмаси раиси:

— Туркменистон Президентини Сердар Бердимухамедовнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи муваффақиятли ва самарали якунланди.

Ташриф давомида турли соҳаларда Ўзбекистон — Туркменистон муносабатларини янада ривожлантиришга оид 20 га яқин ҳужжатлар имзолангани музокараларнинг муваффақиятли натижалари ҳақидаги фикрни тасдиқлайди.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Сердар Бердимухамедовнинг Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик ва стратегик шерикликни янада кенгайтириш бўйича асосий келишувлар ва узоқ муддатли вазифаларни белгилаб берган Қўшма баёнотни имзолагани ташрифнинг энг муҳим натижаси бўлди, деб ҳисоблайман.

Шу ўринда Президент Шавкат Мирзиёевнинг брифингга Туркменистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши эканини таъкидлаганини алоҳида қайд этишни истардим.


Ўзбекистон раҳбарининг бу сўзлари Тошкентнинг энг муҳим ташқи сиёсат йўналиши Марказий Осие минтақаси эканини яна бир бор таъкидлайди. Ўзбекистон раҳбариятининг ташаббуслари ва саъй-ҳаракатлари тўғрисида бугунги кунда минтақа давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик юксак босқичга кўтарилди.

Ишончим комилки, Туркменистон Президентини Сердар Бердимухамедовнинг Ўзбекистонга ташрифи кўп асрлик қардошлик муносабатлари тарихида янги даврни бошлаб берди.

Чин Ки ХУН, Даэгу шаҳри ҳокимининг ўринбосари — халқаро алоқалар бўйича элчи, Корея Республикасининг Туркменистон ва Афғонистондаги собиқ элчиси:

— Жанубий Кореянинг Туркменистондаги собиқ элчиси сифатида Марказий Осие давлатлари ўртасидаги алоқалар ривожини катта қизиқиш билан кузатиб бораман.

Албатта, икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш имкониятлари ниятда кенг. Президент Сердар Бердимухамедовнинг Ўзбекистонга ташрифи мавжуд салоҳиятдан кенгрок фойдаланиш учун янги имконият бўлди. Энг муҳими, томонлар минтақалараро муносабатларни ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда.



Масалан, саммит арафасида Бухорода биринчи Ўзбекистон — Туркменистон ҳудудлараро форуми бўлиб ўтди. Форум иштирокчилари инвестиция, қишлоқ хўжалиги, автомобилсозлик, кимё, тўқимачилик, чарм-поئابзал ва электротехника саноати, савдо ҳамкорлиги каби истиқболли соҳаларга алоҳида эътибор қаратди.

Ҳудудлараро алоқаларнинг истиқболлари нуктаи назардан шуни таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши бутун Марказий Осие минтақаси мамлакатлари учун янги иқтисодий имкониятларни очиб беради.

Бу эса, ўз навбатида, Жанубий Кореянинг минтақа давлатлари билан алоқаларини янада кенгайтиришда жуда муҳим роль ўйнайди.

Хари НАРАЙАНАН, Осие —Тинч океани технология ва инновациялар университети ректори:

— Туркменистон янги етакчисининг Марказий Осиедаги илк давлат ташрифи учун айнан Ўзбекистонни танлагани, шубҳасиз, Ашхободнинг Тошкент билан кўп қиррали ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатларини давом эттириш устуворлигидан далолат беради.

Ушбу ташриф Марказий Осие давлатлари раҳбарларининг навбатдаги саммити арафасида амалга оширилгани томонларга нафақат икки томонлама кун тартибидagi, балки минтақавий масалаларни ҳам муҳокама қилиш имконини бергани билан ҳам жуда муҳим аҳамият касб этди.

Минтақадa яратилган барқарор сиёсий муҳит ва Марказий Осие давлатлари раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ишонч, айниқса, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар Марказий Осиеда минтақавий интеграцияни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Олий даражадаги Ўзбекистон — Туркменистон музокаралари якунлари икки давлатнинг замонавий алоқаларида мустаҳкам пойдевор бўлади ва ҳамкорликнинг сифат жиҳатидан аниқ ва самарали натижаларга эришиш бўйича ўрта ва узоқ муддатли вазифаларни белгилаб берди. Буни томонлар имзолаган 19 та ҳужжат ҳам тасдиқлаб турибди.

Ишончим комилки, ташриф чоғида қабул қилинган Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва саноат кооперациясини ривожлантириш дастури автомобилсозлик, кимё, электротехника, тўқимачилик, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида янги қўшма лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Усмонали МУҲАММАД, Саудия Арабистонидagi туркман диаспораси вакили:

— Ватандан узоқда бўлса-да, Ўзбекистон Президентининг 2021 йил апрель ойидаги Ашхободга бўлган ташрифи ва бунга жавобан

Туркменистон Президентининг ташрифларини диққат билан кузатиб бораёман.

Мана шундай олий даражадаги мулоқотларнинг расмий ташрифлар билан фаоллашуви икки томонлама муносабатлар тарихида янги саҳифа очиб, ўзаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқади.

Ўзбекистон — Туркменистон муносабатлари доимо зиддиятлардан холи бўлиб, фақатгина серқирра ҳамкорлик руҳида ривожланиб келган. Айниқса, сўнги олти йил давомида икки томонлама алоқалар янада мустаҳкамланди.

Ҳозирги кунда турли соҳаларда ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш учун улкан истиқболлар мавжуд. Олий ва юқори даражадаги ташрифлар алмашувининг фаоллашуви эса Ўзбекистон ва Туркменистоннинг мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланишига хизмат қилади.

Жумладан, денгизга чиқиш йўли бўлмаган Ўзбекистонни Туркменистон жаҳон бозорига энг қисқа йўл билан олиб чиқиш имкониятига эга давлатдир. Ўзбекистон ҳам ўз салоҳиятидан келиб чиқиб, Туркменистоннинг газни қайта ишлаш ва агросаноат каби соҳаларида амалга оширилаётган лойиҳаларда бевосита ва фаол иштирок этиши мумкин.

Эктор РОДРИГЕС, Испаниянинг "СЕРСОБЕ" асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи уюшмасининг Шарқий Европа ва МДХ давлатлари билан ҳамкорлик бўлими бошлиғи:

— Давлатлараро аъёнаний стратегик ҳамкорлик муносабатлари ҳар икки томоннинг баёнотлари билан яна бир бор тасдиқланди. Бу Марказий Осиеда минтақавий тараққиётнинг яхши қўшничилиги ва қардошлик руҳи мавжудлигидан далолат беради.

Туркменистон раҳбарининг Ўзбекистонга илк давлат ташрифи стратегик шериклик характерида эга, қардош ўзбек ва туркман халқларининг азалий дўстлиги, яхши қўшничилик ва ўзаро қўллаб-қувватлаш аъёнанага асосланган икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Айни пайтда Марказий Осиенинг ушбу давлатлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишлари ва томонларнинг миллий манфаатларига тўлиқ жавоб берадиган ҳамкорлик муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга интиломда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўзаро ишончга асосланган сиёсати тўғрисида икки давлат ўртасида манфаатли ҳамкорлик жараёни жадал ривожланмоқда. Муносабатларнинг асосий векторларидан бири савдо-иқтисодий алоқалар бўлиб, улар доимо давлатлараро мулоқотнинг устувор мақсадларига хизмат қилмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг изчил ўсиб бораётгани ҳам ушбу фикрни тасдиқлаб турибди.



Виктор КИМ, Тожикистон Миллий фанлар академиясининг Осие ва Европа мамлакатлари институти катта илмий ходими:

— Ташриф якунлари икки давлат халқлари фаровонлиги йўлида яхши қўшничилик сиёсати руҳидаги муносабатларни ривожлантириш бўйича ўзаро эзгу ният ва интилишларни ифодалади. Бугунги ўзгарувчан дунёда алоқаларнинг барқарорлиги ва узлуksизлиги катта аҳамиятга эга. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, Туркменистон Президентининг давлат ташрифи икки қардош халқ ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарининг дахлсизлиги, шунингдек, бу борадаги йўналиш изчиллигининг яқоқ тасдиғи бўлди.

Динамик ва конструктив руҳда ўтган ташриф якунлари бўйича икки мамлакат ўртасида кўп қиррали ҳамкорлик ва стратегик шерикликни янада ривожлантириш бўйича асосий келишувларни мустаҳкамлаб, узоқ муддатли вазифалар белгилаб берилган Қўшма баёнот ва 19 та ҳужжат имзоланди.



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ МИНТАҚА ХАВФСИЗЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИгини ТАЪМИНЛАШНИНГ ЭНГ ЯХШИ НАМУНАСИ ВА МОДЕЛЛАРИДАН БИРИДИР

Президент Шавкат Мирзиёевнинг минтақавий алоқаларни мустаҳкамлаш борасидаги ташаббуси доирасида Ўзбекистон бошқа давлатлар учун яна бир бор ёрқин намуна бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. "Economist" журнали 2019 йилда Ўзбекистонни "Йил мамлақати" деб эълон қилганини яхши эслаيمان. Ўзбекистон Президентини томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва ўзгаришлар бу соҳада салмоқли натижаларга эришиш учун нимадир қилиш зарурлигига ижобий мисол бўла олади.

Минтақавий алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун, аввало, ўзаро манфаатли иқтисодий ҳам-жамият ва эркин савдо ҳудудларини яратиш зарур.

Иккинчидан, 20 йилдан ортиқ вақт давомида Ўзбекистонни Ҳинд океани билан боғлайдиган темир йўл қурилиши ҳақида му-

зокаралар олиб борилмоқда. Менимча, ушбу темир йўл қурилиши лойиҳасини кенчиктирмасдан амалга ошириш керак. Ушбу лойиҳа бюджети 4 — 6 миллиард доллар атрофида баҳоланаётганидан хабаримиз бор. Бу маблағ тинчликни мустаҳкамлаш ва фаровонлигини таъминлаш учун иқтисодий имкониятларни ошириш йўлида арзимаган миқдордаги маблағдир.

Учинчидан, минтақадaги барча давлатлар солиқ ва божона органлари фаолиятини рақамлаштириши керак. Бу то-варлар ва инвестицияларнинг эркин оқими қўллаб-қувват-лайди, шунингдек, коррупцияни камайтириш ва бюджет учун даромад олиш учун платформа айланади.

Минтақавий ва иқтисодий хавфсизлик Марказий ва Жа-нубий Осиенга бир минтақадaги бириктиришга хизмат қилади. Бу эса тинчлик ва фаровонли-гининг гаровидир.

«Халқ сўзи»

ТОШКЕНТДАГИ УЧРАШУВЛАР ШҲТ ВА МДХ МАЙДОНИДА САНОАТ РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳридаги Халқаро анжуманлар саройида 15 июль кuni Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар саноат вазирлари учрашуви ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар саноат сиёсати бўйича Кенгашининг VIII йиғилиши бўлиб ўтди.

Дастлаб саноат соҳаси давлат идоралари раҳбарлари ШҲТ доирасида саноатни ривожлантириш, кооперация асосида ишлаб чиқариш ҳажмини барқарор ўстириш, қўшма инвестиция лойиҳаларини йўлга қўйиш, янги технологиялар жорий этиш, моддий ва мо-лиявий ресурслар жалб қилиш, меҳнат уну-мдорлигини ошириш ва саноат маҳсулотла-рини диверсификация қилиш бўйича ҳам-корликни янада жадаллаштириш масаласи-ни муҳокама қилди.

Делегация раҳбарлари айни йўналишдаги шерикликни жаҳондаги геосиёсий вазиятни ҳисобга олган ҳолда ривожлантиришни дол-зарб жиҳатлари, юзага келаётган муаммо-ларга биргаликда жавоб чоралари қўриш юза-сидан ҳам фикр алмашди.

Йиғилишда давлат корхоналари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ошириш ва ишлаб чиқа-риш боғлиқлигини юзага келтиришга ҳам ало-ҳида эътибор қаратилди. Бундан ташқари, мам-лакатимиз саноат ишлаб чиқариш салоҳияти-

ни кўрсатиш мақсадида кўрғазма ташкил қилинди.

Қолаверса, учрашув давомида ШҲТга аъзо давлатлар ишбилармон доиралари ўртасида саноат кооперациясини рағбатлантириш дасту-ри, шунингдек, Конгресс ва кўрғазма таш-бирларини саноат вазирлари йиғилиши ша-феллигида ўтказиш ҳамда Саноатдаги инвес-тиция лойиҳалари маълумотлар банкни яратиш тўғрисидаги низомлар лойиҳалари қўриб чиқилди.

МДХга аъзо давлатлар саноат сиёсати бўйича кенгаши йиғилиши доирасида ҳам бир қатор лойиҳалар муҳокама қилинди. Жум-ладан, саноат кооперациясини ривожланти-ришнинг концептуал йўналишлари дастури

лоийҳаси, 2035 йилгача энергетика соҳаси-да ҳамкорлик концепцияси ва ҳужжат ижроси-ни таъминлаш бўйича устувор чора-тад-бирлар режаси иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинди.

Бундан ташқари, меҳмонлар мамлакатимизнинг мавжуд саноат салоҳияти ва коопе-рация амалиётини намойиш этувчи объект-ларда бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни билан яқиндан танишди.

Ҳар икки анжуман якунида масъул вакил-лар саноат соҳасида изчил ҳамкорликни дав-ом эттиришга келишиб олдилар.

Ўзбекистон МАХМурРАЕВ, ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИ КЕНГАШЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

Мажлисида Олий Маж-лис палаталари Кенгаш-ларининг 2022 йил июль ойида Қорақалпоғистон Респуб-ликасида юз берган ҳолат ва во-қеаларни ўрганиш ҳамда улар юзасидан мустақил текширув ўтказиш бўйича комиссия тузиш тўғрисидаги қўшма қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан комиссия таркиби ва Комиссия тўғрисидаги низом ҳам тасдиқланди.

Комиссия таркибига Ўзбеки-стон Республикаси Олий Мажли-си вакиллари ва халқ депутатла-ри, нодавлат нотижорат ва жа-моат ташкилотлари раҳбарлари

ҳамда ходимлари киритилди. Комиссияга раҳбарлик қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Ф. Эшматова зим-масига юклатилди.

Ўтказилган текширув натижалари эълон қилинади ва Ўзбекистон жамоатчилиги ва жаҳон ҳамжамия-тига етказилади.

Шунинг билан Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлиси Қонунчи-лик палатаси ва Сенати Кенгаш-ларининг қўшма мажлиси ўз иши-ни якунлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аxbорот хизмати.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДАГИ БИЛИМЛАРИ ОШИРИЛМОҚДА

Пойтахтимизда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан Олий Мажлис Сенати, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашишда хотин-қизларнинг ролини кучайтириш ва фаолигини ошириш" мавзусида тренинг бўлиб ўтмоқда.

Тренинг

Тадбирда 40 дан ортиқ идора ва ташкилотларнинг 100 нафар-га яқин вакиллари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вази-рлар Кенгаши Раиси ўрин-босари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари ўрин-босарлари — оила ва хотин-қиз-лар бошқармалари бошлиқлари қатнашмоқда.

Мазкур тренингдан кўзлан-ган асосий мақсад — давлат органлари ва ташкилотлари,

нодавлат нотижорат ташкилот-лари, оммавий аxbорот воси-таларида фаолият юритаётган хотин-қизлар, шунингдек, жа-моатчилик фаоллари ҳамда блогерларнинг мамлакатда коррупцияга қарши курашиш-даги ўрни ва фаолигини оши-риш, бу борада аёлларнинг билим ҳамда салоҳиятини куч-айтириш, тегишли усул ва во-ситага раҳима ҳабадор қилиш, ушбу усул ҳамда воси-таларни амалиётда қўллаш

масалаларини таҳлил этишдан иборат.

Маашулотлар "Transparency International" ташкилотининг экспертлари томонидан олиб борилаётди. Тренингда ишти-рокчиларга коррупцияга қарши курашиш ва барқарор ривож-ланиш мақсадларига эришиш-да аёлларнинг роли ҳамда кор-рупцияга қарши курашиш ва жа-миятни жалб қилишда жамоа-вий ҳаракатлар хусусида батаф-сил маълумотлар берилмоқда.

Ўз навбатида, бизнес ва но-тижорат ташкилотлари учун кор-рупцияга қарши воситалар ҳамда жамоатчилик назорати имкони-ятлари ҳам кўриб чиқилди.

Бугун, янги тренинг якунида иштирокчиларга Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва БМТ Тараққиёт дастури томо-нидан сертификатлар топшири-лиши кўзда тутилган.

«Халқ сўзи».

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИХАСИНИНГ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда дастлаб “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Таъкидланганидек, депутатлар томонидан ҳудудларга чиқилган ҳолда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда фуқаролар иштирокида қатор ўрашувлар ташкил этилиб, конституциявий ислохотларнинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятини кенг жамоатчиликка тушунириш ишлари олиб борилмоқда.

Умумхалқ муҳокамаси давомида Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан аҳоли ва фуқаролик жамияти институтларидан 85 миңдан зиёд тақрифлар келиб тушди. Аҳоли ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг қонун лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳаза билдиришда фаоллиги ортиб бораётганлиги, келиб тушаётган тақрифлар сони тобора ошаётганлиги умумхалқ муҳокамасининг муддатини яна узайтириш заруратини юзага келтирмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Қонунчилик палатасида “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси умумхалқ муҳокамасининг муддатини 2022 йил 1 августгача узайтириш ҳақида қарор қабул қилинди.

Оворагарчиликларнинг олди олинад

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди. Таъкидланганидек, мамлакатимизда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш орқали уларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш, шунингдек, уларга жа-

миятда қабул қилинган ҳулқ-атвор нормалари ҳамда қондаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари яратилган.

Бугунги кунда ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномаларига доир ишлар туманлараро маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилмоқда.

Бирок туманлараро маъмурий судларнинг фақат вилоят марказларида жойлашганлиги ва ҳудудларнинг географик жойлашуви бўйича бир-бирдан узоқлиги, ички ишлар органлари ходимининг мазкур иш билан шугулланиши давомида ўз хизмат жойи узоқ муддат бўш қолиши, шунингдек, шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш амалиётини фуқароларга қулайликлар яратиш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш заруратини тугдирмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқишга доир нормаларни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексидан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўтказиш ҳамда мазкур тоифадаги ишларнинг жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларида кўриб чиқилишини белгилаш назарда тутилмоқда.

Тақриф этилаётган нормалар муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация марказига жойлаштириш билан боғлиқ қийинчиликларни ва ортинча оворагарчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Мажлисида мазкур ҳужжат депутатлар томонидан қабул қилинди.

Гендер тенгликни таъминлаш механизмлари такомиллаштирилмоқда

Мамлакатимизда кейинги йилларда хотин-қизлар мавқеини ошириш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда уларнинг тенг иштироки таъминлаш, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўлмалли ислохотлар олиб борилмоқда.

Хусусан, 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси қабул қилиниб, уни 2021-2022 йилларда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Дастурнинг 1-бандида “гендер аудит” тушунчасини ва уни ўтказиш тартибини белгилашни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш кўриб чиқилди.

Шундан келиб чиқиб, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур ҳужжат Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунга “гендер аудит” ва “комплекс гендер ёндашув”ни гендер тенгликни таъминлашнинг янги механизмлари сифатида киритиш тақриф этилмоқда.

Шунингдек, “гендер аудитнинг вазифалари” ва “гендер аудитни ўтказиш тартиби” махсус моддаларда белгиланмоқда. “Ўзбекистон Республикасининг Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси” номи “Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси” номига ўзгартирилмоқда.

Ушбу комиссияга давлат органлари ва бошқа ташкилотларда гендер аудитини ўтказиш услубийтини белгилаш, давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг гендер аудит соҳасидаги фаолиятига услубий раҳбарликни амалга ошириш, гендер аудит

натижалари тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиш ва улар бўйича тавсиялар тақдим қилиш каби вазифалар берилмоқда.

Депутатларнинг айтишича, мазкур тақрифларнинг қонунчиликка киритилиши хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш механизмларини кучайтиришга кенг йўл очади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Пенсияни ҳисоблашда қандай янгиликлар қутиляпти?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ҳам қизгин муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, амалдаги қонунчиликка мувофиқ пенсияни ҳисоб-қитоб қилиш учун пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн бараваридан ортиқ бўлмаган даражадаги ўртача ойлик иш ҳақи олинади.

Бугунги кунда пенсионернинг охириги ўн йиллик меҳнат фаолиятига оид бўлган даврлари учун сўғурта бадаллари (ижтимоий солиқ) тўланган бўлса-да, бу даврлардаги, шунингдек, ўртача ойлик иш ҳақи миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн бараваридан ортиқ бўлганда қолган сумманинг миқдори пенсия ҳисоблашда инобатга олинмайди.

Ушбу қонун лойиҳасида ёшга доир, ногиронлик пенсиясини ҳисоб-қитоб қилиш учун ўртача иш ҳақининг максимал миқдорини ҳамда чин етим болаларга тайинлангандаги боқувчисини йўқотганлик пенсияларини ҳисоблашда ота ва она иш ҳақларининг умумий миқдоридан келиб чиқиб, пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн бараваридан ўн икки баробарига ошириш белгиланмоқда.

Депутатларнинг айтишича, қабул қилиниши тақриф этилаётган ушбу тартиб иш ҳақининг миқдори, иш стаж ва пенсия миқдори ўртасидаги боғлиқликни таъминлаш орқали пенсия тизимида ижтимоий адолат қарор топишига ёрдам беради.

Шунингдек, ушбу тартиб нафақат 2023 йил 1 январдан кейин пенсияга чиқадиган фуқаролар, балки 2023 йил 1 январдан олдин тайинланган пенсионерлар учун ҳам тааллуқлидир.

Мажлисида депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Қизгин кенг баҳс-мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Сенатор ва ҳаёт ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ ВА АҲАМИЯТИ ОЧИБ БЕРИЛДИ

Шу кунларда сенаторлар конституциявий ислохотлар ҳамда Сенатнинг йигирма саккизинчи ялғи мажлисида кўриб чиқилган масалалар мазмун-моҳиятини юртдошларимизга чуқур тушунириш, аҳоли мурожаатларини жойида ўрганиб, уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳудудларда бўлиб турибди.

Хусусан, Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзолари томонидан бир неча кун давомида ёшлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш борасида Жиззах вилоятида олиб борилаётган ишлар ҳолати ўрганиб чиқилди.

Мазкур ўрганиш натижалари сенаторлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларнинг Ёшлар сиёсати, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича доимий комиссиялари ҳамда Ёшлар парламенти аъзолари, Кенгаш қотибияти мудирлари, Ёшлар ишлари агентлиги, тегишли вазирлик ва идоралар масуллари иштирокида ўтказилган ташкилий йиғилдишда атрафлича таҳлилдан ўтказилди.

Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Б. Сайфуллаев алоҳида таъдид қилганидек, 2022 йил 19 январдаги “Маҳалларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига мувофиқ юртимизнинг ҳар бир маҳалласида ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди. Айни чоғда Ёшлар ишлари агентлигининг вилоят ва туман, шаҳар бўлиmlларида тегишли тузилмалар фаолияти йўлга қўйилган.

Тадбирда ёшлар етакчилигининг ўзига беририлган маҳалларда маданият ва санъатни, маънавият ҳамда китобхоналиқни, шунингдек, ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни тарғиб қилиш, соғлом турмуш тарзи ва спортни оммалаштириш, ўғил-қизларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, тадбиркорлик соҳаларини ривожлантириш натижасида миңглаб янги иш ўринлари ташкил этилди.

Қисқача айтганда, бугун сўхликлар халқимиз эрки ифодаси бўлиши Бош қомусини чинакам халқ Конституциясига айлантиришдек жуда маъсулятлиқ ҳаракатни тўла қўллаб-қувватлаётганига гувоҳ бўлдик.

Айниқса, Конституциявий қонун лойиҳасида Ўзбекистонда ўлим жазоси таъқиқланиши, шахнинг судланганлиги ва ундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклашга асос бўлиши мумкин эмаслиги билан боғлиқ норманинг акс эттирилиши жуда ҳам илқ қарши олинмоқда.

Бундан ташқари, Асосий Қонунимизга Ўзбекистон барча давлатлар, энг аввало, ўзининг яқин қўшнилари билан тинчликпарвар ва дўстона сиёсат юритиши, унинг ташқи сиёсати инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳурмат қилиш, давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги принциплари ва нормаларига асосланиши ҳақидаги модданинг қўллаб-қувватланиши сўхликларни бефарқ қолдирмайди.

Хулоса ўрнида айтганда, бугун мамлакатимизда давом этаётган муҳим сиёсий жараён, Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси “Конституциянинг ягона манбаи ва муаллифи — халқдир” деган таъминий асосида ўтказилмоқда.

Аҳмадхон ГАНИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Давра суҳбати



АҲОЛИГА МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТИ ЯРАТИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар ҳамда Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмиталари ҳамкорлигида Бутунжаҳон аҳолиунослик кунига бағишлаб давра суҳбати ташкил этилди.

Тегишли соҳа вакиллари, Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этган тадбирда асосий эътибор демография барқарорлик тушунчасига қаратилди.

Таъкидланганидек, демографик барқарорлик оғошлантирувчи хусусиятга эга бўлиб, унинг мақсади ҳозирги ва келажак авлодлар фаровонлигини таъминлаш механизmlарини ишлаб чиқиш, шунингдек, аҳолининг ўсиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва мавжуд ресурслар ўртасидаги мувозанат асосида демографик дивидендан фойдаланишдан иборат.

Ўзбекистондаги демографик барқарорлик аҳоли таркибида ёшлар улусининг юқорилиги, хусусан, меҳнатга лаёқатли ёшга кириб бораётган кўп сонли йигит-қизларнинг мавжудлиги, тегишли сиёсат ва ижтимоий-иқтисодий чоралар қўлланилиши шароитида амалга оширилиши мумкин бўлган салмоқли демографик дивидендлар билан боғлиқ.

Шунингдек, демографик барқарорлик аҳолига нисбатан тор ёндашувлардан барча учун фаровонликни таъминлашга қаратилган кенг қамровли демографик ва ижтимоий сиёсатга ўтишни аниглади.

Сўз олганлар шаҳар ва қишлоқ жойларига узоқ муддатли демографик тенденцияларни таҳлил қилиш, шаҳарларнинг демографик жа-

мини ҳамда уларнинг ишчи кучига бўлган эҳтиёжини прогноزلатишнинг урбанизация ва шаҳар атроф-муҳитини ривожлантиришни янада самарали бошқариш имконини беришини таъкидладилар.

Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик каби ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда демографик омилни ҳисобга олиш ёшларнинг меҳнат бозорида мобиллигини ошириш, уларнинг қулай яшаш ва меҳнат билан банд бўлиш имкониятларини кенгайтириш, инсон капиталини мустаҳкамлаш ва демографик дивидендлардан самарали фойдаланишга хизмат қилади.

Бу жараёнда давлатнинг эътибори нафақат иқтисодий ривожлантиришга, балки аҳолининг қулай ва муносиб турмуш шароити, билим олиши, фаоллигини таъминлаш, меҳнат ҳамда турмуш ўртасидаги мувозанатни сақлашга қаратилади.

Тадбирда ушбу демографик имкониятдан ўз вақтида, самарали фойдаланиш учун инсон капитални сифатини оширишга қаратилган демографик сиёсат, қонун ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Яқунда иштирокчилар томонидан билдирилган тақлиф ва ташаббуслар қўллаб-қувватланиб, бериладиган саволларга атрафлича жавоблар қайтарилди.

«Халқ сўзи».

ТИНЧЛИКПАРВАР СИЁСАТНИ ИФОДА ЭТУВЧИ НОРМАЛАР

“Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси муддати 1 августгача узайтирилди.

Фикр

Бунинг сабаби нимада? Аввало, халқимиз қонун лойиҳасидаги нормалар бўйича ўз тақрифларини юборишда фаоллигини кўлдан бой бермаяпти. Бу фаоллигини жойларда сайловчилар билан ўтказилаётган ўрашувларда ҳам кузатишимиз.

Хусусан, сайлов округларида ташкил этилган тадбирлар, мулоқотларда Фаргона вилоятининг “анқлав” ва тоғли ҳудудидида жойлашган Сўх тумани аҳолиси ҳам конституциявий ислохотларда ўзларининг тақрифлари ва муносабатлари билан фаол иштирок этаётганига гувоҳ бўлдик.

Самимий руҳда ўтган мулоқотларда кейинги йилларда сўхликлар давлатимизнинг юксак эътибор ва ғамхўрлигини хамиша ҳис қилиб яшаётганликларини қайд этди.

Учрашувда сўз олган сўхлик 88 яшар Тождидин бобонинг ҳаётий жиҳоси, айниқса, ёдимда қолди. Отахон собиқ иқтисодий Ҳайдарқон шаҳарчасидаги тоғ комбинатига ишга қатнаган. Мустақилликка эришилгач, иш жойи ва яшаш манзили расман Ҳайдарқонда қайд этилгани билан отахон фуқароликка эга бўлмаган шахс макомини олиб, 25 йил давомида Сўхдан ташқарига чиқолмаганини сўзлаб берди. Отахон қўшни республиканинг Чўнғара қишлоғида яшайдиган синглисию жигарбандларини 20 йилдан кўп вақт мобайнида кўрламаганини кўзида ёш билан эслади.

Қўшни Қирғизистондан Сўхга келаётган мартабали меҳмонлар ҳам Ўзбекистондаги бундай ўзгаришларга ҳавас билан қараётгани биз учун фахр. Узоқни қўзлаб пухта ўйланган, илмий асосланган ҳолда амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат халқимизнинг турмуши яхшиланаётганига, оилаларнинг

иқтисодий фаровонлашуви асос бўлди. “Хар бир оила — тадбиркор” госяси асосида аҳолининг даромад манбаини оширишга қаратилган лойиҳалар, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожлантирилиши натижасида миңглаб янги иш ўринлари ташкил этилди.

Қисқача айтганда, бугун сўхликлар халқимиз эрки ифодаси бўлиши Бош қомусини чинакам халқ Конституциясига айлантиришдек жуда маъсулятлиқ ҳаракатни тўла қўллаб-қувватлаётганига гувоҳ бўлдик.

Айниқса, Конституциявий қонун лойиҳасида Ўзбекистонда ўлим жазоси таъқиқланиши, шахнинг судланганлиги ва ундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклашга асос бўлиши мумкин эмаслиги билан боғлиқ норманинг акс эттирилиши жуда ҳам илқ қарши олинмоқда.

Бундан ташқари, Асосий Қонунимизга Ўзбекистон барча давлатлар, энг аввало, ўзининг яқин қўшнилари билан тинчликпарвар ва дўстона сиёсат юритиши, унинг ташқи сиёсати инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳурмат қилиш, давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги принциплари ва нормаларига асосланиши ҳақидаги модданинг қўллаб-қувватланиши сўхликларни бефарқ қолдирмайди.

Хулоса ўрнида айтганда, бугун мамлакатимизда давом этаётган муҳим сиёсий жараён, Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси “Конституциянинг ягона манбаи ва муаллифи — халқдир” деган таъминий асосида ўтказилмоқда.

Аҳмадхон ГАНИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Инвесторлар ва қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатиغا!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги ПҚ-4343-сонли қарорига мувофиқ, шунингдек, ички ишлар органлари ходимлари ҳамда ҳарбий хизматчиларга замонавий талаблар асосида арзон уй-жойлар қуриш ва бериш ҳисобидан уларни рағбатлантириш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил

1. Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг низоми ва гувоҳномаси.
2. Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг ташкилий тузилиши бўйича маълумот.
3. Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг охириги уч йиллик (2019, 2020 ва 2021 йиллар) молиявий ҳолати тўғрисида маълумот (охирги уч йиллик Ф-1 ва Ф-2 ҳисоботлари, пудрат шартномалари, объектни фойдаланишга топшириш бўйича нусхаларини илова қилиши шарт).
4. Хизмат кўрсатувчи банк томонидан инвестор ёки қурилиш ташкилотининг қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома.
5. Давлат солиқ инспекцияси томонидан инвестор ёки қурилиш ташкилоти тўғрисида маълумотнома ҳамда ишчи-ҳодимлари тўғрисида маълумот (солиқ ҳисоботида кўрсатилган ишчилар сони “миллий меҳнат уз” базасига тўғри келишини исботловчи ҳужжатларни илова қилиши шарт).
6. Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг моддий-техника базаси ҳамда қурилиш техникаси ва кичик қурилиш механизмлари тўғрисида маълумот (техник паспортларнинг нусхалари бўлиши шарт).
7. Қурилиш режалаштирилган ҳудудга лойиҳа тақлифи (бош режа, фасад, қаватлар режаси, 3D қўринишда).
8. Қурилиш ишларини олиб бориш, қурилиш муддатлари ва қурилиш шартлари кўрсатилган тармок режаси (тасдиқланган қўринишда).
9. Қурилган уйларнинг энг камида 50 фоизини ички ишлар органлари

11 октябрдаги 865-сонли қарори қабул қилинган эди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ташкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ходимларига кўп квартиралар уйларни тайёр ҳолда топшириш шартлари билан қуриш бўйича инвесторлар ёки қурилиш ташкилотлари мутасаддилари ҳамкорликка тақлиф этилади. Танловда қатнашиш истагида бўлган ташкилотлар вакилларидан қуйидагилар талаб қилинади:

10. Лойиҳаланаётган кўп қаватли тураржой биносига қўшимча равишда автомобиллар тураржойи ҳамда болалар майдончаси бўлиши шарт.
 11. Лойиҳаланаётган кўп қаватли тураржой биносининг қаватларини ер майдони жойлашган туман бош архитектори билан маслаҳатлашган ҳолда келишиши лозим.
 12. Қурилиш режалаштирилаётган кўп қаватли тураржой биноси бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари билан боғлиқ харажатлар инвестор ёки қурилиш ташкилотининг ўз маблағлари ҳисобидан бўлади.
 13. Мазкур шартлар бўйича ҳамкорлик қилиш истагидаги инвестор ёки қурилиш ташкилотлари 2022 йилнинг 10 август кунига қадар танлов юзасидан қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:
- Ташкент шаҳри, Миробод тумани, Содик Азимов кўчаси, 87-уй, Ташкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси. Телефон: 71-281-94-08.**
- Қурилиш режалаштирилаётган объект манзили: Ташкент шаҳар ИИББ тасарруфидаги Ташкент шаҳри, Яқсарой тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 25-уйда жойлашган қурилиш умумий майдони 4700 м² (0.47 га) бўлган бўш ер майдони.**

ЭЪЛОН

«Халқ сўзи».

ТАШҚИ БОҒЛИҚЛИКДАН ХАЛОС БЎЛИШ ЙЎЛИДА ЯНА БИР ҚАДАМ

Мамлакатимизда "Навоийуран" давлат корхонаси уран қазиб олиш ҳамда уран оксиди ва чала оксиди кўринишидаги маҳсулотни четга чиқаришни амалга оширувчи ягона субъект ҳисобланади.

Маҳаллийлаштириш



фаолиятини бошлаган бургиллаш ускуналарининг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш участкаси эса кончиларнинг бургиллаш жараёнидаги эҳтиёт қисмларга бўлган эҳтиётларни тўла

Жорий йилнинг 19 майда давлатимиз раҳбари геология соҳасини янада ривожлантириш, фойдаланиш маъданлар ва ер ости суви захираларини кенгайтиришга қаратилган лойиҳалар тақдимоти билан танишаркан, жумладан, "Навоийуран" ДКни трансформация қилиш, хорижий мутахассисларни жалб этиб, технологик жараёнларни тақомиллаштириш вазифаларини белгилла берди.

Шунингдек, уран захирасини халқаро стандартларга мувофиқ баҳолаш, сўнгги технологиялар асосида рудадан урани ажратиш олиш даражасини ошириш муҳимлиги қайд этилиб, ҳақон бозоридан уран нархи барқарор ўсиб бораётгани, янги лойиҳаларда бу хомашёни қайта ишлаш ва қўшилган қиймат яратишга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги таъкидланди.

Табиики, бу масъулиятли вазифалар "Навоийуран" ДК муҳандис-технологларидан ишлаб чиқариш жараёнидаги доимий ва узлуқсиз фаолиятини таъминлаш, бургиллаш ишларини белгиланган режага мувофиқ тизимли олиб бориш ва ускуналарнинг доимий соз ҳолатда бўлишини йўлга қўйишни талаб этади.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).



Қарор ва ижро

Президентимизнинг 2022 йил 10 февралда қабул қилинган Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини мамлакат миқёсида кенг кўлаmda нишонлаш ҳақидаги қарори оташин шоирнинг хотирасини абадийлаштиришда муҳим дастуриламал бўлди.

Шоир таваллуд топган маҳалла

— Узоқ изланишлардан кейин тадқиқотчи олимлар томонидан Усмон Носирнинг туғилган жойи, яъни онаси Холаамбиби келин бўлиб тушган мулла Маматхўжаннинг хонадонини Намангандаги ҳозирги Амир Темур номидаги маҳалла, Жийдақала кўчаси, 60-ўйи манзилида жойлашган 22-мактаб ёнида экани аниқланди.

Ушбу участкада Маҳаллийлаштириш дастури доирасида жорий йилда 29 турдаги эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш ҳамда 1 млрд. сўмлик ишлар бажарилиб, 400 млн. сўм маблағ иқтисод қилинишига эришилди.

Ушбу участкада Маҳаллийлаштириш дастури доирасида жорий йилда 29 турдаги эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш ҳамда 1 млрд. сўмлик ишлар бажарилиб, 400 млн. сўм маблағ иқтисод қилинишига эришилди.

Ушбу участкада Маҳаллийлаштириш дастури доирасида жорий йилда 29 турдаги эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш ҳамда 1 млрд. сўмлик ишлар бажарилиб, 400 млн. сўм маблағ иқтисод қилинишига эришилди.

У. Носирнинг қамоқда ёзган «Қўшча» номли шеъри образи олинди.

турмушга чиққунга қадар "Танҳоғўр бува" зиёратгоҳи ёнидаги ота ховлисида яшайди. Утган асрнинг 40 — 50 йилларида Усмон Носир туғилган хонадон ўрнида собиқ Энгельс жамоа ҳўжалигининг идораси ва клуби қурилган, унинг рўпасидаги катта майдонда Ленин ҳайкали бўлган.

Мулла Адҳам Охун хонадони

Мезбонлар бизни шоирнинг илк болалик йиллари ўтган, ҳаётининг очилмаган саҳифаларини ўз бағрига олган Чуқуркўча да-

ҳасига бошлади. Бу ерда жойлашган хонадонларга Бобуршоҳ кўчасидан бир оз паства қараб эниб борилади. Асосан, эски ва ночор уйлар, унда-бунда дангилама хонадонлар кўзга ташланади.

Наманган тарихи билимдони Аҳмад Убайдуллоҳ маълумотларига кўра, Холаамбибининг ота манзили — Адҳам Охуннинг хонадонини ана шу Бобуршоҳ кўчасидаги "Агролизинг" АК Наманган вилоят филиали биноси ёнидан қирилди.

Биз Кўзагарлик, Лангар кўчалари бўйлаб юрарканмиз, юз йиллик тарихга эга бўлган қадим хонадонларни учратдик.

Тайёргарлик нега сўст?

Бизни бир савол қийнаш бошлади. Ҳаётини халқнинг маърифатини, маънавиятини юксалтиришга бағишлаган Усмон Носир туғилган, икки ярим мингдан зиёд фуқаролар истиқомат қилаётган Амир

Темур номидаги маҳаллада Президент қарорига мувофиқ нишонланадиган юбилей шодиёнасига тайёргарлик ишлари нега бунчалик сўст? Рости, дунёга маълум машҳур шоир номига маҳалланинг бугунги кўрқу жамоли ҳам муносиб эмасдек.

Уз Ватанини, озодлиқни қуйлаб, ноҳақлик ва мустабид тузум қурбони, қилчдай кескир сўзи, буюк истеъдод соҳиби бўлган шоирнинг руҳига эҳтиром сифатида қабул қилинган Президент қарорининг ҳаётбахш ижроси, тўйга тайёргарлик кўриш айнаан Усмон Носир туғилган, болалиги ўтган маҳалладан бошланиши айни муддао.

Сўзимиз якунида айтмоқчи бўлганимиз, Ватан шайни, юрт озодлигини ўз шеърларида баралла қуйлаган шоир хотираси юксак ҳурмат-эҳтиромга лойиқ.

Нуруллоҳ ОСТОНОВ («Халқ сўзи»).

Туйғу

Усмон Носир

“Асов юрак Тинарми йўлда, Учмай наҳот нозим овози?!” — Синса наҳот Маҷнун илҳида Ёрдан афзал суюкли сози.

Ўз қони-ла, Шоир ёзар шеър, Деворларда сатрлар қон ранг. Дил тубида ўқиради шеър, Авахтадан таралар оҳанг...

Сибирь қаҳри қақшатар тағни, Сил ўлкаси Қон қусар, эй воҳ. Йироқларда қолди Ватани, Бунда изғир шамоллар нечоғ?..

Боғим ичра сайрар бир қушча! Қароғида ажиб аланга. Нечун, Унга қарайман бунча? — У кўз тикиб тўймак Ватанга!

Турсун АЛИ

ПОЙТАХТИМИЗДА «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» АТБНИНГ ЎҚУВ ВА IT МАРКАЗЛАРИ ОЧИЛДИ

Тошкент шаҳрида "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ томонидан янги қиёфа ва янги иш услубида ўқув ҳамда IT марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

Молия муассасаларида

2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида кадрлар салоҳиятини ошириш, хусусан, кадрларни бошқаришнинг корпоратив услубларини тақомиллаштириш, кадрларни узлуқсиз ўқитиш тизимини жорий қилиш, бунда етакчи хорижий банклар ва консултантлар билан ҳамкорлик масалалари алоҳида ўрин олган.



моқда, — дейди марказларнинг очилиш маросимидда сўз олган "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Бобуров раиси Саҳи Аннакиичев. — Ҳатто бугунги рақамлаштириш жараёнида ҳам ҳар қандай янгилик бевосита кадрлар кучи билан юзага келмоқда.



лишда ҳам бошқарув тизими ва шарт-шароитларини анчайин тақомиллаштиришга ҳаракат қилдик. Бинонинг биринчи қаватида ўқув маркази, иккинчи қаватида эса IT марказ ўрин олган бўлиб, у замонавий архитектура услубида барпо этилган.

таркиб топган бўлса, IT марказда дастурчилар, менежерлар, сервер хоналаридан ташқари, музокаралар ўтказиш хоналари ҳам ўрин олган.

— Ўқув марказининг асосий мақсади банк ходимларининг касбий тайёргарлик даражасини ошириш, стратегик ва операция мақсадларга эришиш учун зарур

бўлган ходимларни доимий равишда тақомиллаштириш механизмларини жорий этишдан иборат, — дейди "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ ўқув маркази раҳбари Озода Саидқаримова. — Бундан ташқари, банк ходимларини ички ва ташқи тайёрлаш, шунингдек, масофавий таълим тизимини ривожлантирилади, ходимларни баҳолаш тизими ишлаб чиқарилади.



илмий-амалий семинар ҳамда тренинглар ташкил этилади. Бундан ташқари, ходимларни бир жамоа бўлиб ишлашга, жамоадаги психологик муҳитни янада яхшилашга ҳамда уларнинг ишга ва янги лавозимларга мослашувини тезлаштиришга хизмат қилувчи дастурлар ишлаб чиқарилади.

— Тузилмавий ходимлари фаолияти, асосан, дастурлаш, иловалар яратиш, банк бизнес жараёнларини рақамлаштириш ва мижозлар учун янги рақамли хизматларни йўлга қўйишга қаратилганлиги боис улар учун ҳар томонлама қулай ижодий муҳит яратиш муҳим ҳисобланади, — дейди "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Ахборот технологиялари департаменти директори Абдор Кенжаев.

дизайнга эга муҳитда фаолият юрилади. Бу, ўз навбатида, бугунги кунда банк бизнес моделини автоматлаштириш жараёнида зиммамиздаги вазифаларни ўз вақтида ва самарали бажаришимизда муҳим роль ўйнайди.

Банк Ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурлидаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚўЁЗМАЛАР тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштириш таъкидланган жавобгар.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-ўй. Навбатчи муҳаррир — А. Соибназаров. Мусаҳҳиҳ — Ш. Машираббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.36 Топширилди — 02.10 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

